

2/2024,
mart-
aprel
(№ 00070)



ПАХТА ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҚИЙМАТ ЯРАТИШ ЗАНЖИРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қудратова Ирода

ТДИУ Самарқанд филиали мустақил изланувчиси

irodakudratova@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0004-7200-8922>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a13

Аннотация

Мақолада пахта тўқимачилик кластерида қиймат яратиш занжири, қиймат драйверларининг "4E" тамойилига кўра уйғунлашуви келтирилган. Пахта-тўқимачилик кластерида қиймат драйверларини транспорт, инвестициявий, инфратузилмавий ва хомашё драйверлари мажмуи сифатида тизимли тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: пахта-тўқимачилик кластери, қиймат занжири, қиймат драйвери, тежамкорлик, натижавийлик, самарадорлик

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЦЕПОЧКИ СОЗДАНИЯ ДОБАВЛЕННОЙ СТОИМОСТИ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНОМ КЛАСТЕРЕ

Кудратова Ирода

научный исследователь Самаркандского филиала ТДИУ

Аннотация

В статье представлены цепочка создания ценности в хлопково-текстильном кластере, совершенствования факторов создания цепочки ценности в соответствии с принципом "4E". Обоснованы целесообразности исследования факторов создания ценности как совокупности транспортных, инвестиционных, инфраструктурных и сырьевых драйверов ценности в хлопково-текстильном кластере.

Ключевые слова: хлопково-текстильный кластер, цепочка ценности, драйверы ценности, экономичность, результативность, эффективность.

IMPROVING THE VALUE CHAIN OF COTTON PRODUCTION

Kudratova Iroda

Researcher Samarkand branch of TSEU

Abstract

The article presents the value chain in the cotton and textile cluster, improving the factors of creating a value chain in accordance with the principle of 4E". Substantiation of the appropriateness of the study of value creation factors as a combination of transport, investment, infrastructure and raw material drivers of value in the cotton and textile cluster.

Keywords: cotton-textile cluster, value chain, value drivers, economically effectiveness, efficiency.

Кириш

пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш, “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали соҳада даромадни ошириш” [1], етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархини 35 фоизгача қисқартириш, пахтадан ўртача 37 центнер ҳосил олишга эришиш каби амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, “пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш қувватларини кўпайтириш, ушбу жараёнга илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш” [2] асосида ягона технологик занжирнинг қиймат яратиш имкониятини янада ошириш га қаратилган илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили

Хорижлик олим М.Э.Портер томонидан стратегик таҳлил ва корхона стратегиясини танлашда қиймат занжирини тадқиқ қилиш лозимлигини қайд этилган бўлиб, “...ҳар қандай корхонада моддий-техник таъминот, ишлаб чиқариш жараёнлари, савдо жараёнлари технологияси ва маркетингдан иборат бўлган бирламчи ва харидлар, технологияни ривожлантириш ва инсон ресурсларини бошқаришдан иборат бўлган иккиламчи қиймат яратиш занжири мавжуд бўлиши” [3] асослаб берилган. Албатта ушбу жараёнларнинг мавжудлиги қўшимча қиймат яратилиши учун асос бўлмайди, балки менежерлар томонидан ушбу жараёнларнинг энг мукамал тизимини танлаш муҳим ҳисобланади.

Ж.Шанк, В.Говиндаражан томонидан жараёнли ёндашувга кўра “...корхонанинг ресурс таъминоти ва истеъмолчилари орасидаги ўзаро алоқадорлик қиймат яратиш занжирининг бўғинлари сифатида қаралиши, бунда хомашё ва материалларни харид қилишдан тортиб истеъмолчига қадар бўлган жараёнларда харажатларни самарали бошқариш асосида қиймат яратилиши таъкидланган” [4].

Р.Купер, Д.Нортонларнинг фикрига кўра “...қиймат яратиш занжири корхонанинг буюртмаларни қабул қилишидан тортиб етказиб бериш жараёнигача бўлган операцияларни такомиллаштириш ва назорат қилишга асосланган бўлиб, ички бизнес жараёнлар инновацияларни ўз ичига олади” [5].

А.Хаджимуратовнинг илмий тадқиқотларида агросаноат интеграциясининг замонавий тадбиркорлик шакли ҳисобланган кластер тузилмаларида “қўшилган қиймат занжири”нинг ҳосил бўлиш жараёни ўрганилган. Бунга кўра, “...агросаноат ишлаб чиқаришининг дастлабки, оралиқ ва якуний маҳсулотларининг аҳамиятига тўхталиб, бундаги издош корхоналар иқтисодий муносабатларида “қўшилган қиймат занжири”нинг яратилиш механизми ёритилган ва бу тушунчага иқтисодий категория сифатида ёндашилиб таъриф берилган” [6]. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда бу жараённинг тадбиркорлар иқтисодий муносабатларида тенденцияга айланиб бораётганлиги тушунтирилиб, унинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва аниқланган бир қатор муаммоларни ҳал қилишда тавсиялар берилган.

Ғ.М.Мамасолиевнинг тадқиқотларида озиқ-овқат саноатида яратилаётган қиймат занжири иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш режасини ишлаб

чиқиш ва уни узоқ муддатли ривожланиш стратегияси сифатида амалга оширишини таъминлаш масалалари илгари сурилган [7].

С.К.Эшматовнинг илмий ишларида мева-сабзавотчиликда қўшилган қиймат занжири модели, қиймат занжирида нархнинг шаклланиши бўйича харажатлар улушини асослаш, қиймат занжирининг институционал харитасини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган [8].

Таҳлиллар ва натижалар

Қийматлар занжири қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолият самарадорлиги билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш воситаларидан бири ҳисобланиб, рақобат устунлигига эришиш имкониятларини ҳам очиб беради. Шу билан бирга қиймат занжирининг ҳар бир бўғини рақобат устунлиги манбаи ҳамдир. Фаолият турларининг қиймат яратиш занжирида қўлланилиши ва шу асосда маркетинг стратегиясини танлаш [9] охир-оқибат рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилади.

Қорхонанинг қийматлар занжири кўплаб бизнес жараёнларни қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳар бири нафақат рақобат устунлигини таъминлашга хизмат қилади, балки маҳсулот нархи ва нафлигида акс этувчи харажатлар манбаи ҳамдир. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирида корхона томонидан кўплаб маҳсулотлар харид, таъминот (тизимга киришда яратилган қиймат), қайта ишлаш, қўшимча қайта ишлаш, сотиш ва етказиб бериш каби тақсимот занжири бўйлаб маълум даражада қиймат яратади (тақсимот канали томонидан яратилган қиймат).

Тақсимот каналлари маҳсулотни кейинги қайта ишлаш бўғинига ёки истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бизнес-жараённи акс эттиради. Демак, маҳсулотнинг ўзи ҳам келгусида қиймат яратиш занжирининг муҳим бўғини сифатида қаралиши мумкин экан.

Таъкидлашимиз жоизки, корхона ва унинг маҳсулотининг истеъмолчиларга нафлилик яратиши келгусида маҳсулот учун қиймат занжирининг шаклланишига олиб келади. Фикримизча, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда пахта-тўқимачилик кластерида қиймат занжирини яратиш жараёнини қуйидаги қатъий кетма-кетликда амалга ошириладиган алгоритм орқали ифодалашимиз мумкин:

1. Пахта хомашёсини етиштиришдан тайёр маҳсулотгача бўлган узлуксиз занжирда қиймат занжирини яратиш ва ундаги барча бизнес жараёнлари учун зарурий харажатлар, кутилаётган даромадлар ва воситаларни белгилаш.

2. Иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир тури тури бўйича харажатларни вужудга келтирувчи жараёнларни аниқлаш.

3. Рақобатчи корхоналарга нисбатан харажатда пешқадамликка ёки қиймат занжирини оптималлаштириш асосида рақобат устунлигига эришиш.

Қийматлар занжирининг асосий бўғинларига аниқлик киритилгач, ҳар бир бўғиндаги бизнес-жараёнлар бўйича харажатларни, бизнес жараёнларнинг қиймат яратиш имконияти таҳлил қилиш лозим бўлади. Бунда қиймат яратиш имконияти ёки қиймат драйвери – ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирида бизнес жараёнларнинг нафлилик даражаси, оптимал харажатлар даражасида энг юқори қиймат ярата олиш қобилияти ҳамдир. қиймат драйверларининг пайдо бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- узлуксиз занжирида бизнес жараёнларни бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги;

- қиймат яратиш занжирида иқтисодий жараёнларнинг синергетик самараси ҳисобига меҳнат сарфи ва меҳнат қийматининг камайиши;

- қўшимча агросервис хизматларини ташкил қилиш асосида қиймат яратиш занжирида умумий харажатларнинг камайи боришига эришиш.

Пахта-тўқимачилик кластерида қиймат драйвери қуйидаги учта элементни ўз ичига олади.


1. Хомашё билан боғлиқ қиймат драйверлари. Пахта хомашёсини тайёрлаш технологик нуқтаи назаридан интенсив характерга эга бўлганлиги боис зарурий миқдордаги юқори сифатли пахта хомашёси тайёрлаш жараёнининг ўзи рақобат устунлиги ҳисобланади. Мисол тариқасида мамлакатимиз пахтачилик амалиётида 100 кг пахта толасини ишлаб чиқариш учун 670 кг гача пахта хомашёси зарур бўлади. Юқори сифатли пахта хомашёси етиштиришга эришиш пахта-тўқимачилик кластерининг узлуксиз занжирида иқтисодий йўқотишларни камайитиришга, ҳар бир бўғинда маҳсулотнинг янги ассортиментига ўтиш асосида ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш имкониятлардан максимал фойдаланишга имкон беради. Шу билан бирга, пахта хомашёсининг юқори сифат кўрсаткичлари, хусусан, юқори маҳсулдорлигини таъминлайдиган пахта уруғларини экиш, самарали агросервис хизматларини йўлга қўйиш асосида юқори навли пахта ҳосилини жамғариш жуда муҳимдир. Шу боисдан, пахта хомашёсини етказиб берувчи фермер-хўжаликларининг қиймат яратиш имкониятини баҳолаш ва уларнинг ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари пахта-тўқимачилик кластерининг пахта тайёрлов пунктлари фаолиятини назорат қилиш, тайёр пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотларни юқори технологик ишлов бериш жараёнларини узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали қиймат яратиш занжири бўғинларида жараёнларнинг мавсумий тебранишларини камайитиришга эришиш мумкин бўлади.

2. Транспорт-логистик жараёнлар билан боғлиқ қиймат драйверлари. Етиштирилган пахта хомашёсини тайёрлов пунктларига ташиб келтириш, сифатини сақлаб қолиш, қайта ишлаш корхоналарига ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш самарали транспорт логистикасини ташкил қилишни тақозо қилади. Шунинг учун пахта хомашёсини ташиш жараёнларини рақамлаштириш асосида операцион режалаштириш, диспетчерлик ва хизмат кўрсатувчи бизнес жараёнларини сифат менежменти тизимлари асосида назорат қилиш, тайёрлов пунктларида юқори навли партияларни шакллантиришни ўз ичига олади. Бунда пахта хомашёсини йиғиш пунктларида сақлаш ва сифатни йўқотмасдан қайта ишлаш заводида етказиб беришни етказиб берувчи томонидан назорат қилишни, тайёр пахта толасини узлуксиз занжирнинг кейинги бўғинларига етказиб беришнинг маршрутларини оптималлаштириш муҳим ҳисобланади.

3. Инвестициявий қиймат драйверлари. Қиймат занжирида бизнес-жараёнларнинг энг муҳим омили ишлаб чиқариш технологияси бўлиб, қайта ишланган пахта хомашёсининг физик хусусиятлари ва техник параметрларини сақлаб қолиш, тармоқ ва саноат стандартларига, тайёр маҳсулотнинг санитария-гигиеник ва микробиологик хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини таъминлаш зарур бўлади. Бу жараёнларда замонавий технологик жараёнлардан фойдаланиш, қўл меҳнати талаб қиладиган операцияларни рақамлаштириш ва механизациялаш, шунингдек тайёр

пахта толасини истеъмолчиларга қулай қадоқлашни ташкил этиш келгусида унга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

4. Инфрутизлмавий қиймат драйверлари. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этилганлиги пахта хомашёсини етиштириш ва чуқур қайта ишлашда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ҳудудий концентрациялашувида муҳим рол ўйнайди. Чунки қиймат драйверлари бизнес жараёнларининг ўзаро туташ ёки ягона ҳудудда тўпланиши иштирокчиларнинг транзакцион ва бошқа харажатларининг пасайишига, чекланган ишлаб чиқариш цикли ва ресурслардан самарали фойдаланишга, кластер самараси натижасида молиявий, моддий, ахборот оқимларининг жадал алмашинувчига ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишга имкон беради.



1-расм. Пахта-тўқимачилик кластерида қиймат занжирининг шаклланиши

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, пахта-тўқимачилик кластерида қиймат занжири (қўшимча қийматни шакллантириш) пахта хомашёсини зарурий истеъмол хусусиятларига эга бўлган юқори технологик тайёр маҳсулотга айлантириш ва якуний истеъмолчига етказиб беришга қаратилган иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш жараёнларидан иборат. Қиймат занжирини яратишнинг асосий мақсади пахта хомашёсини тайёрлаш, пахта-тўқимачилик саноатининг маҳсулдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, истеъмолчилар учун якуний маҳсулотнинг истеъмол қимматдорлигини ошириш асосида барча хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш ҳисобланади [10]. Пахтанинг қиймати – унинг фойдалилиги, саноатнинг турдош тармоқларини қўшимча хомашё ва маҳсулот билан таъминлаш асосида синергетик самарага эришиш имкониятининг ортиб бориши ҳисобланади.

Пахта бозоридаги рақобат кураши фермер хўжаликларининг экин майдонларини янада оптималлаштиришни, шу билан бирга иқтисодий фаолиятини

ягона буюртмачи тамойилдан бозор тамойилларига асосланишини талаб этади. Шу билан бирга глобал рақобат муҳитида пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган йирик корхоналари билан рақобатлашиши мураккаб ва амалда иқтисодий жиҳатдан имконсиз бўлганлиги сабабли, турли даражадаги фермер хўжаликлари ўртасида сифат жиҳатидан янги даражадаги ўзаро алоқаларни шакллантириш жадаллашди. Бундай шароитда пахта-тўқимачилик кластери пахтачилик ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг энг самарали ташкилий шакли сифатида қаралади, “битта корхонанинг самарадорлигини ошириш келгусида узлуксиз ишлаб чиқариш занжирининг барча иштирокчилари учун кумулятив самара беради”[11]. Пахтачилик ишлаб чиқаришда пахта хомашёсини етказиб берувчи фермер хўжаликлари, пахтани қабул қилиш ва бирламчи қайта ишлаш корхоналари, улгуржи ва чакана воситачилар киради. Пахта хомашёсини чуқур қайта ишлашнинг узлуксиз занжирига вертикал интеграциялашган корхоналар учун хос бўлган озуқа ишлаб чиқарувчилари кириши мумкин. Занжир иштирокчиларининг ҳар бири ўз фаолияти натижасида қўшимча қиймат ҳосил қилади.


Бизнинг фикримизча, қиймат занжирининг юқорида кўриб ўтилган хомашё, транспорт-логистик, инвестициявий ва инфратузилмавий драйверларининг ўзаро уйғунлашувига эришиш лозим. Бунда иқтисодий тежамкорлик, самарадорлик, натижавийлик ва тақимотда адолатлилик тамойилларига қатъий асосланиш лозим:

Тежамкорлик (Economically) қиймат драйверларининг тежамкорлиги, қиймат яратиш нафақат анъанавий ресурслар ҳисобига, балки қўшимча сервис хизмати кўрсатиш, маҳсулот бренди каби номоддий хусусиятга эга активлар манбаи сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Самарадорлик (Effectiveness) бизнес жараёнларнинг тизим талабларига ҳамда ташқи муҳит омилларига қанчалик мос келишини, барқарор ривожланиш қобилиятини акс эттиради. Умуман олганда қиймат драйверининг самарадорлиги деганда унинг келгусида кўзда тутилган ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқлиги ёки номувофиқлик даражасини англатади.

Натижавийлик (efficiency) қиймат яратиш занжирида турли жараёнларнинг сарфланган харажатларни қоплаш имкониятидир. Кластер иштирокчиларининг якуний натижа ва жорий харажатларининг ўзаро нисбати билан изоҳланади. Натижавийлик шунингдек ресурс сарфи даражасини ҳам англатади.

Адолатлилик (Ethical or Equity) Соҳада давлат аралашуви даражаси, инвестицион ресурсларнинг адолатли тақсимланиши, пахта ҳосилдорлигининг оширишнинг устуворлиги, қайта ишлаш улушининг, пахтачилик билан шуғулланиш маҳаллий уй хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигида даромадларнинг ошишига олиб келишини англатади (2-расм).



2-расм. Пахта-тўқимачлик кластерида қиймат драйверларининг “4E” тамойилига кўра уйғунлашуви

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, пахта-тўқимачилик кластерининг қиймат драйверларини аниқлаш ва самрали бошқариш узок муддатли рақобат устунлигига эришиш имконини беради. Бунда қиймат яратишнинг ташқи драйверларига, яъни кластернинг пахтани пахта толасини чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида якуний истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида иштирок этувчи турли контрагентларбилан муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ушбу драйверларни аниқлаш кластер иштирокчилари учун ҳам, тайёр маҳсулот истеъмолчилари учун ҳам муҳим омил бўлиб, ўзаро иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш ва оптималлаштириш, эришилган иқтисодий нафлиликни самарали тақсимлаш, истеъмолчилар танловига таъсир қилувчи мезонларни ҳам узлуксиз яхшилаб боришга эришишни таъминлайди. Пахта хомашёсини етиштириш ва чуқур қайта ишлашда агросервис хизматлари ва транспорт логистикаси билан боғлиқ қиймат драйверлари муҳим бўлса, пахтадан олинадиган юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда истеъмолчиларнинг инвестициявий ва хомашё билан боғлиқ қиймат

драйверлари сифатида маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини афзал кўришига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластерининг қиймат яратиш имконияти мавжуд салоҳият даражасидан сезиларли даражада паст ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- фермер хўжаликлари учун ишлаб чиқариш ресурсларининг нархини юқорилиги, маҳаллий уруғлар сифатининг пастлиги, ўсимликлар касалликларининг ҳосил етиштиришга салбий таъсирининг юқорилиги, биологик кураш усуслларининг етарлича қўлланилмаётганлиги;

- иқлим ўзгариши, айниқса, оқар сув тақчиллиги, ерларни шўрланишининг тезлашиб кетиши, ёғин миқдорини камайиб кетиши, ҳавонинг ортиқча исиб кетаётганлиги. Лалмикор ерларда ерости ва ёмғир сувларига ҳисобига ҳосил олинадиган ҳудудларда бу муаммо янада оғир тус олган;

- қиймат яратиш занжирининг барча босқичларида қайта ишлашнинг заифлиги;

- чиқитсиз ишлаб чиқариш даражасининг 87,3%ни ташкил этиши. Бунинг асосий сабаби пахта қабул қилиш пунктлари қувватининг етишмаслиги, пахта ҳосилни кейинги сақлаш хизматлари сифатининг пастлиги;

- инфратузилма тизимини юқори даражада ривожланмаганлиги боис трансакцион харажатларнинг ошиб кетаётганлиги[12];

Хулоса

Ўтказилган тадқиқотлар асосида қиймат яратиш занжирини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосалар олинди:

Қиймат драйвери - ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирида бизнес жараёнларнинг нафлилик даражаси ва оптимал харажатлар даражасида энг юқори қиймат ярата олиш қобилияти ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластерларида қиймат драйверларини ривожлантиришда қуйидагилар тавсия қилинади:

- пахта-тўқимачилик кластерида қиймат драйверларини транспорт, инвестициявий, инфратузилмавий ва хомашё драйверлари мажмуи сифатида тизимли тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

- пахтани чуқур қайта ишлаш орқали юқори технологик маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ҳамда чиқитсиз ишлаб чиқариш даражасини ошириш лозим.

- пахта ҳосилни кейинги сақлаш хизматлари сифатини ошириш.

пахта-тўқимачилик кластерининг инфратузилмавий қиймат драйверларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 22.06.2020 йилдаги 397-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори, 04.12.2021 йилдаги 733-сон

3. Портер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость: пер. с англ. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. 715 с
4. John K. Shank and Vijay Govindarajan, Strategic Cost Management, The Free Press, 1993, p. 217; Джон К. Шанк, Виджей Говиндараджан. Стратегическое управление затратами/ Пер с англ. СПб.: ЗАО "Бизнес Микро", 1999. - 288 с.
5. R. Cooper, R. S. Kaplan. Profit Priorities from Activity-Based Costing // Harvard Business Review, 1991, May/June, p. 130-135.
6. Хаджимуратов, А. (2022). Агросаноат интеграциясида қўшилган қиймат занжири. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(4), 348–358. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a606
7. Мамасолиев Ғайратбек Махамадюсупович. Озиқ-овқат саноатида қиймат занжирнинг шакли ва уни бошқариш хусусиятлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil 6/2020 (№ 00050) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
8. С.К.Эшматов «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари», 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, ТИҚХММИ. Тошкент, 2021 й. -57 б.
9. Нехланова Александра Михайловна. Цепочка ценности как инструмент стратегического управления в АПК // Вестник РЭА им. Г. В. Плеханова. 2021. №2 (116).
10. Купер, Робин и Роберт С. Каплан. «Приоритеты прибыли от расчета затрат на основе деятельности». Harvard Business Review 69, вып. 3 (май – июнь 1991 г.): 130–135.
11. Лукашенко А.Ю. Цепочки создания ценности в управлении процессами на предприятии // Решетневские чтения. 2018. №.6. 485-486 стр.
12. Бокельманн, Вольфганг и Адамсегед, Мулукен Э., 2016 г. « Содействие лучшему пониманию структуры цепочки создания стоимости в развивающихся странах », Пятая международная конференция 2016 г., 23-26 сентября 2016 г., Аддис-Абеба, Эфиопия 249334, Африканская ассоциация сельскохозяйственных предприятий. Экономисты (АААЕ).